

Савоб - саҳоватли жавоб

Икки тушунча одамзотнинг тириклигига мезон. Бири таом бўлса, иккинчиси калом. Бўш қоп тик турмайди. Инсон қаддини тик ва қадрини баланд тутиши учун ҳар иккаласига ҳам эътиборли бўлади. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда “Баданнинг қуввати таом билан, руҳнинг қуввати калом билан”, - дея бежиз айтилмаган. Саҳоватпешалик ва мурувватлилик азалий ва абадий қадриятларимизнинг мезони бўлиб келгани рост. Халқ учун мактаб ва мадрасалар, нашриёт ва босмахоналар, кўприк ва сув омборлари қуришга бош-қош бўлган инсонлар юртимиз тарихида кам бўлган эмас. Шунинг учун ҳам саҳоватли инсон эл-юрт учун доим қадрдан бўлган. Улар умрининг мазмуни ҳам аслида, шунда. Бу улуғ ва унутилмас ҳақиқат экани аён.

Айни дамларда, давр талаби ва тақозоси шундаки, олий таълим тизими билан ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро боғлиқлигини ҳар томонлама ривожлантириш, илмий термин билан айтганда, уларнинг ўзаро интеграцияси муҳим масаладир.

Бугун, 2018 йил 27 октябрь куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг талabalар ошхонасида Қарши магистрал каналлар бошқармаси ҳомийлигига таълим олаётган талabalар учун ош дастурхони ташкил этилди.

2014-2018 йиллар давомида ушбу ташкилот томонидан “Сув энергияси ва насос станцияларида фойдаланиш” кафедрасининг „Гидромашиналар“ лабораториясида талabalар тажриба машғулотларида фойдаланишлари учун:

- “Қарши насос станциялари каскади”нинг намойиш схемаси йирик планда ўрнатилди.
- КМК НС-2 да ўрнатилган ОПВ11-260 русумли насоснинг ҳаракатдаги нусхаси совға қилинди.

Тадбирда Қарши магистрал каналлар бошқармаси бошлиғи Қурбонов Илҳом Узоқович қатнашиб, талabalарни бошқарма фаолияти билан таништирди ва уларга шарафли касб эгаси бўлиб этишишларида улкан зафарлар тилади.



Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов